



PECULIARITIES OF UZBEK-KAZAKH CULTURAL AND HUMANITARIAN RELATIONS

Musurmon K. Khurramov

Researcher

University of World Economy and Diplomacy

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: fusion2gb@gmail.com

ABOUT ARTICLE

Key words: Days of culture of Uzbekistan, Days of culture of Kazakhstan, creative heritage, concert and theatrical performances, ethnic kazakh, uzbek diaspora, fraternal people.

Received: 14.05.22

Accepted: 16.05.22

Published: 18.05.22

Abstract: This article is devoted to the peculiarities of the Uzbek-Kazakhstani cultural and humanitarian ties in the years of independence. The article analyzes the dynamics of cultural and humanitarian cooperation, anniversaries of celebrities, the first culture days held in the territory of the two countries, as well as the results of mutual meetings and tours of artists and cultural figures. Particular attention was paid to the activities of the Intergovernmental Commission, which made a significant contribution to the development of cultural and humanitarian ties.

ЎЗБЕКИСТОН-ҚОЗОҒИСТОН ЎРТАСИДАГИ МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР СОҲАДАГИ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мусурмон К. Хуррамов

Тадқиқотчи

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: fusion2gb@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Ўзбекистон маданияти кунлари, Қозоғистон маданияти кунлари, ижодий мерос, концерт ва театр томошалари, этник қозоқлар, ўзбек диаспораси, қардош халқ.

Аннотация: Мазкур мақола мустақиллик йилларида ўзбек-қозоқ маданият-гуманитар соҳадаги алоқаларининг ўзига хос хусусиятларига бағишланган. Мақолада маданият-гуманитар ҳамкорлигининг динамикаси, атоқли инсонларнинг юбилейлари, икки мамлакат ҳудудида ўтказилган дастлабки

маданият кунлари, ҳамда санъат-маданият ходимларининг ўзаро учрашувлари ва гастрол сафарлари натижалари таҳлил қилинди. Шунингдек, маданий-гуманитар алоқаларнинг ривожига катта ҳисса қўшган Ҳукуматлараро Комиссиянинг фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди.

ОСОБЕННОСТИ УЗБЕКСКО-КАЗАХСТАНСКИХ КУЛЬТУРНО-ГУМАНИТАРНЫХ ОТНОШЕНИЙ

Мусурмон К. Хуррамов

Исследователь

Университет мировой экономики и дипломатии

Ташкент, Узбекистан

E-mail: fusion2gb@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Дни культуры Узбекистана, Дни культуры Казахстана, творческого наследия, концертные и театральные представления, этнические казахи, узбекская диаспора, братский народ.

Аннотация: Данная статья посвящена особенностям узбекско-казахстанских культурно-гуманитарных связей в годы независимости. В статье анализируется динамика культурно-гуманитарного сотрудничества, юбилеи знаменитостей, первые дни культуры двух стран, а также итоги взаимных встреч и гастролей артистов и деятелей культуры. Особое внимание было уделено деятельности Межправительственной комиссии, которая внесла весомый вклад в развитие культурно-гуманитарных связей.

КИРИШ

Ўзоқ ўтмишга бориб тақаладиган ўзбек-қозоқ муносабатлари мустақилликдан сўнг бошқа соҳалар сингари маданий-гуманитар йўналишда ҳам кенг тармоқ ёйиб ўзига хос янги қирралар билан ривожланиб борди. Икки давлатнинг маъданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик алоқалари 1994 йил 10 январда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида “Маданият, соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим, туризм ва спорт соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида”ги битим[1] га асосланади. Битимда маъданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари белгилаб ўтилган. Мазкур битимга кўра, “қўшни давлатлар иккала томон халқларининг ҳар томонлама алоқаларига кўмаклашиш, Ўзбекистонда ярмаркалар ва Қозоғистон Республикаси Кунларини ҳамда Қозоғистонда Ўзбекистон Республикаси Кунларини санъат усталари, бадий хаваскорлик, жисмоний тарбия ва спорт жамоалари, олимлар ва адабиёт арбоблари, ишбилармонлар доиралари, жамоатчилик ва минтақалар вакиллари иштирокида мунтазам равишда ўтказиб туриш”[2]

га келишиб оладилар. Ушбу битим имзоланиши билан маъданий-гуманитар соҳадаги ўзбек-қозоқ муносабатларида янги давр бошланди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўрганилаётган мавзу ўзига йўналиш бўлганлиги боис, бугунги кунга қадар кам сонли маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан тадқиқ этилган. Маҳаллий олим А.Самиевнинг[11] мақоласида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги маданий алоқаларнинг янги босқичи ва унинг натижалари ҳақида батафсил сўз юритилган. Маҳаллий олимлар билан бир қаторда хорижий олимлар ҳам мазкур мавзунинг айрим жиҳатлари хусусида тадқиқотлар олиб боришган. Хусусан, М.Мирзабеков, Р.Садыкова, Р.Мирзабековалар[12] каби олимлар Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги замонавий маданий-гуманитар ҳамкорлик алоқаларининг тенденциялари тўғрисида тўхталиб ўтишган.

Мазкур мақолани тадқиқ этиш жараёнида контент, ивент, индукция, дедукция, динамик моделлаштириш ва тарихий ҳужжатларни ўрганиш каби илмий методлардан унумли фойдаланилди.

Мустақилликдан сўнг илк бор 1994 йил 23 – 27 май кунлари Ўзбекистонда Қозоғистон Республикаси кунлари ўтказилди. Ушбу тадбир жуда ҳам юқори савия ва ўзгача руҳда ташкил этилган бўлиб, ташкилий масалаларга давлат даражасида аҳамият қаратилган. Қозоғистон кунларининг тантанали очилиш маросими “Туркистон” саройида бўлиб ўтади, унда иккала мамлакат Президентлари шахсан иштирок этадилар. Ўзбекистонда бўлиб ўтган Қозоғистон кунлари доирасидаги тадбирларда “маданият аҳли маданият аҳли билан, ижод аҳли ижод аҳли билан, илм-фан аҳли илм-фан аҳли билан, ишбилармонлар эса ишбилармонлар билан бевосита мулоқотга киришадилар. Бу учрашувлар чоғида турли соҳа вакиллари бир-бирлари билан фикр алмашадилар ва икки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий тараққиётига биргаликда ўз ҳиссаларини қўшиш учун замин яратадилар”[3]. Мазкур тадбирнинг очилиш маросимида Президент И.Каримов ўзбек-қозоқ халқларининг яқин дўстлиги ҳақида сўз юритиб, ўзбек шоири Ғ.Ғуломнинг сўзларидан иқтибос келтиради: “Биз – бир китобнинг икки бетимиз”[4]. Ҳақиқатдан ҳам ўзбек ва қозоқ халқлари қадимдан ҳозирги Марказий Осиё ҳудудида яқин қўшни ва биродар халқ сифатида тинч-тотув яшаб келишган.

Бўлиб ўтган маданий тадбирларда Ўзбекистонда яшаб мамлакат ривожига катта ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ этник қозоқларнинг номлари фахр ва ифтихор билан тилга олинди: Қарши даштини ўзлаштиришдаги меҳнатларини биронта статистика бошқармаси ҳисоблай олмайдиган ажойиб чўлқувар, машҳур Султон Чегебоев, жамиятни маънавий қайта тиклаш юзасидан жуда кўп ишларни амалга ошириб келаётган

Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Жондор Туленов, ёзувчи-олим Қолдибек Сейданов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Комил Қўлдошев, хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Тожибек Бойирбеков, хизмат кўрсатган курувчи Абдулла Опоқхўжаев ҳамда хизмат кўрсатган ўқитувчи Жамила Бексултонова шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, икки қардош халқ ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорлик алоқалари изчиллик билан ривожланиб борди. 1995 йил май ойида Қозоғистонда Ўзбекистон Республикаси кунлари бўлиб ўтади. Мазкур тадбир ҳам жуда юқори даражада ташкил этилиб, икки мамлакат Президентлари И.Каримов ва Н.Назарбоевлар иштирок этадилар. Қозоғистонда Ўзбекистон кунларининг тантанали очилиши маросимида Президент И.Каримов нутқ сўзлаб, шундай дейди: “Биз азалдан буюк Турон – Туркистон деган ерда яшаймиз, бизга битта Қуёш нур сочади, бир булоқ ва бир дарёдан сув ичамиз. Оғир пайтда қўшни қўшнига ёрдам берган, ундан ҳол сўраган, бир-биридан нонини, ширин сўзини аямаган. Бизнинг илдизларимиз муштаракдир. Буюк боболаримиз Ал Беруний ва Ал Форобий, Ибн Сино ва Улуғбек, Баҳовуддин Нақшбанд ва Навоий, Бобур ва Абай, Абдулла Қодирий ва Мухтор Авезовнинг бутун инсоният фахрланиб тилга оладиган кўплаб бошқа аجدодларимизнинг юлдузлари асрлар оша бизга нур сочиб келди ва ҳозир ҳам нур сочмоқда”[5].

Дарҳақиқат, ўзбек ва қозоқ халқлари азалдан қардош халқ сифатида яқин қўшничилик муҳотида яшаб келишган. Мустақиллик икки биродар халқни янада жипслаштириб баҳамжиҳат ҳаракат қилишга ундади, оддий инсонлар ўртасидаги ўзаро мулоқотнинг кенгайишига замин яратди.

Қозоғистонда бўлиб ўтган Ўзбекистон кунлари доирасида ўзбек маданият усталарининг концерт ва театр томошалари, шеърят ва санъат ходимларининг бадий кечалари тантанали равишда ташкил этилди. Бадий кечаларда буюк қозоқ шоири, маърифатпарвари ва демократи, янги қозоқ маданиятининг асосчиси, халқлар дўстлигининг куйчиси Абай Қунонбоевнинг ўзбеклар ҳақидаги илиқ фикрлари ёдга олинди. Буюк Абай ўзбек биродарлари тўғрисида бундай деган эди: “Ўзбеклар етиштирмайдиган ва мўл ҳосил олмайдиган экиннинг ўзи йўқ, ер юзида ўзбек савдогарларининг оёғи етмаган жой йўқ, ўзбеклар уддалай олмайдиган ишнинг ўзи йўқ... Ўткир зеҳн, маҳорат, абжирлик ва тадбиркорлик – буларнинг ҳаммаси ўзбекларга хос хусусиятдир. Вазминлик ва хушмуомалалик ҳам шуларда...”[6]. Кўриниб турибдики, қозоқ маърифатпарвари Абай ўзбеклар тўғрисида жуда ҳам илиқ фикрлар билдириб, қозоқ халқини ўзбеклар билан ҳар доим баҳамжиҳатликда яшашага ундаб келган.

Таъкидлаш жоизки, буюк қозоқ шоири Абайнинг асарлари нафақат Қозоғистон диёрида балки Ўзбекистон ҳудудида ҳам севиб мутола қилинади. Ўзбеклар ҳам худди қозоқлар сингари Абайни ҳурмат қилиб эъзозлашади. Шу сабабли 1995 йил 30 июнда Ўзбекистон Ҳукумати атоқли қозоқ шоири А.Қунонбоев таваллудининг 150 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида қарор чиқаради[7]. Қарорга мувофиқ, 1995 йил 5 – 8 июль кунлари Республика миқёсида Абай таваллудининг 150 йиллик юбилей тадбирлари кенг нишонланади. Асосий байрам тадбирлари Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент ва Сирдарё вилоятларида илмий ва ижодий жамоатчиликни кенг жалб этган ҳолда ташкил этилади. Тошкент шаҳрида Абай таваллудининг 150 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилади. Мазкур анжуманга Қозоғистон Республикасидан фан ва маъданият ходимлари, абайшунос олим ва тадқиқотчилар, шоир ва ёзувчилар ташриф буюришади. Абайнинг ҳаёт ва ижодини янада кенг оммалаштириш мақсадида Тошкентнинг Абай кўчасида у ҳақида ҳикоя қилувчи хотира тахтаси ўрнатилади. Бир сўз билан айтганда буюк қозоқ ёзувчиси А.Қунонбоевнинг ижодий меросига юксак баҳо берилиб, ҳурмат бажо келтирилади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, мустақилликдан сўнг Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида фаол тарзда бошланган маъданий-гуманитар соҳадаги алоқалар 90-йилларнинг иккинчи ярмига келиб жуда ҳам сустлашиб қолади. Икки мамлакат ўртасида тузилган шартнома ва келишувларни ўз вақтида самарали равишда амалга ошириш мақсадида тузилган Ҳукуматлараро комиссия таркибига йиллар давомида маданият вазирлари киритилмайди. Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудларида ҳар йили ўтказиб келинадиган маъданий тадбирлар сони камайиб кетади. Мазкур даврда маъданий-гуманитар соҳадаги алоқалар сустлашувининг сабабларини икки мамлакат иқтисодий ҳаётида рўй бераётган иқтисодий қийинчиликлар билан бевосита боғлаш мумкин. Давлатлар ўртасида ҳал қилиниши лозим бўлган асосий масалалар кун тартибида иқтисодий соҳа биринчи ўринни эгаллагани боис, маданий ҳамкорлик муносабатлари аҳамияти жиҳатидан иккинчи даражали ўринга тушиб қолади.

Ва ниҳоят 2000-йилларга келиб Ҳукуматлараро комиссия икки давлат ўртасидаги маданий ва гуманитар алоқаларни чуқурлаштириш масалаларига эътибор қаратишни бошлади. 2000 йил 26 декабрда Остона шаҳрида бўлиб ўтган Ҳукуматлараро комиссиянинг 6-йиғилишида иккала мамлакат маданият вазирлари ҳам иштирок этишади. Маданият вазирларининг музокаралар жараёнига жалб этилиши томонлар маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни янада кенгайтириш сари дадил қадам ташлаётганларидан далолат берарди.

2000 йилнинг 23 – 24 май кунлари Ҳукуматлараро комиссия 5-йиғилишининг қарорига кўра, иккала давлат маданият вазирликлари 2001 – 2002 йилларга мўлжалланган маданий тадбирлар режасини ишлаб чиқишлари керак эди. Режага маданият кунларини ўтказиш вазифасини ҳам киритиш назарда тутилган эди. Аммо Ҳукуматлараро комиссия томонидан ишлаб чиқилган кўпгина маданий тадбирлар режаси амалга ошмасдан қолади. Ҳукуматлараро комиссия томонидан тасдиқланган Қозоғистонда Ўзбекистон маданияти кунларини ўтказиш режаси уч йил (2001 – 2003 йиллар) давомида ортга сурилади ва охири оқибат ўтказилмасдан қолади. Аммо, маданий тадбирлар доимий равишда ўтказилмаган бўлсада, иккала мамлакатда ҳам кичик маданий тадбирлар доирасида маданият ва санъат ходимлари фикр алмашиб туришган.

2000 йилнинг октябр ойида Алмати шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро хунармандчилик кўргазмасида Ўзбекистон Бадий академияси вакиллари ҳамда Самарқанд, Бухоро, Қўқон ва Марғилонлик хунарманд-усталар иштирок этадилар. Шу йилнинг август ойида эса Ҳамза номидаги академик театр жамоаси “Алем Саннийаз-Қозоғистон” халқаро санъат фестивалида “Чимилдиқ” спектаклини намойиш этишади. Ўз навбатида 2001 йил Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган концерт дастурларида Алмати шаҳридан ташриф буюрган “Дарвишлар”, “Жаркент булбуллари” номли уйғур ансамбллари ҳамда Алмати Уйғур Драматик театри артистлари қизиқарли чиқишлари билан иштирок этадилар. Шунингдек, ўзбек артистлари 2001 йилнинг май ойида Остона шаҳрида бўлиб ўтган Қозоғистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган турк мусикаси Халқаро фестивалида қатнашадилар[8].

Бундан ташқари, иккала мамлакат ҳудудида яна бир қатор тадбирлар ташкил этилиб, икки халқ вакиллари доимий равишда иштирок этиб келишган. Хусусан, 2003 йил 25 – 26 май кунлари Алмати шаҳрида Халқаро заргарлик ва хунармандчилик кўргазмаси бўлиб ўтади. Мазкур кўргазмада Самарқанд шаҳридан “Мерос” номли хунармандлар халқ санъат бирлашмаси усталари иштирок этишади. 2003 йил 1 ноябрда Чимкент шаҳрида Жанубий Қозоғистон вилоятидаги Ўзбек маданият маркази томонидан Ўзбек маданияти, тили ва урф-одатлари куни ўтказилади. Тадбирда Ўзбекистондан ташриф буюрган бир гуруҳ санъат жамоаларининг чиқишлари ташкил этилади, хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси ҳамда ўзбек халқининг қадимий урф-одатлари намойиш этилади[9].

Таъкидлаш керакки, 2000 йилларнинг бошларида спорт соҳасидаги икки томонлама муносабатлар аста-секин ривожлана бошлаган. 2003 йил 10 май ойида Алмати шаҳрида Ўзбекистон ва Қозоғистон рангли металлургия соҳаси ривожига улкан ҳиссак қўшган М.Рамозонов хотирасига бағишланган волейбол бўйича халқаро турнир ўтказилади. Мусобақада Ўзбекистон номидан Олмалик тоғ-металлургия комбинати жамоаси иштирок

этади. 2003 йилнинг июл ойида эса Алмати шаҳрида “Пахтакор” ва “Қайрат” жамолари ҳозирги таркиби ҳамда ветеранлари жамоаси ўртасида футбол бўйича ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтади[10]. Шу каби маданият ва спорт тадбирлари кейинчалик ҳам ўтказиб турилган.

2006 йил Ўзбекистон ва Қозоғистон муносабатларининг маданий-гуманитар йўналишида ўзига хос янги давр бошланади. Сабаби, 2006 йил 4 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Қозоғистонга амалга оширган давлат ташрифи давомида 2006 – 2010 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик дастури ва ҳаракатлар режаси тасдиқланади. 2007 йил 26 июлда Тошкентда бўлиб ўтган Давлатлараро Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг иккинчи йиғилишида томонлар икки мамлакат ўртасида маданий-гуманитар ҳамкорлик муваффақиятли ривожланиб бораётгани, кўшимча тарзда эса, драма театрлари ва мусиқа гуруҳлари ўртасидаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш зарурлигини қайд этдилар.

ХУЛОСА

Юқоридагиларни умумлаштириб айтиш мумкин-ки, Давлатлараро Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг саъй-ҳаракатлари натижасида икки давлат драма театрлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари сезиларли даражада фаоллашади. Хусусан, Ўзбек миллий драма театри ҳамда М.Ауэзов номидаги Қозоқ академик драма театри ўртасида театр труппалари жамоаларининг гастрол алмашинуви тўғрисидаги шартнома имзоланади. Мазкур шартнома доирасида 2008 йил 22-29 июн кунлари Қозоғистоннинг “Гунча” болалар театри гуруҳи Тошкентга гастрол сафарини амалга оширади[11]. Гастрол ташрифи доирасида Тошкент шаҳрида ўзбек болалар театри жамоалари билан биргаликда бир қатор концерт дастурларини намойиш этишади.

Маданий соҳадаги ҳамкорликнинг кейинги ривож шубҳасиз 2013 йил 14 июнда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлиги ўртасида имзоланган маданият соҳасида 2013-2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури[12] билан чамбарчас боғлиқдир. Мазкур дастур доирасида 15 та маданий тадбирлар ўтказилади. Шунингдек, “томонлар Қозоғистон Республикасидаги ўзбек диаспораси ва Ўзбекистон Республикасидаги қозоқ диаспораси ташаббуслари билан ўтказиладиган халқлар ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган маданий тадбирларни ташкил қилишда кўмаклашиш”[13] га келишиб оладилар.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. И.Каримов. Туркистон – умумий уйимиз. Дўстлигимиз куёши минг йилликлар қаъридан нур сочади. Қозоғистонда Ўзбекистон кунларининг тантанали очилиши маросимида сўзланган нутқ, Т.:Ўзбекистон. 1995. Б.34.
2. И.Каримов. Туркистон – умумий уйимиз. Дўстлигимиз куёши минг йилликлар қаъридан нур сочади. Қозоғистонда Ўзбекистон кунларининг тантанали очилиши маросимида сўзланган нутқ, Т.:Ўзбекистон. 1995. Б.36.
3. И.Каримов. Ўзбекистонда Қозоғистон кунларининг очилишга бағишланган тантанали йиғилишда сўзланган нутқ 1994 йил 23 май. Тарихимиз ҳам, келажагимиз ҳам муштарак. Туркистон – умумий уйимиз. Б.31.
4. Культурно-гуманитарная сфера // <http://uzembassy.kz/ru/page/-sfera>
5. Культурно-гуманитарные связи/ <http://www.uzembassy.kz/ru/page>
6. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан О праздновании 150-летия выдающегося казахского писателя Абая Кунанбаева в Республике Узбекистан/ <https://www.lex.uz/ru/docs/1658894>
7. Ташқи ишлар вазирлиги жорий архиви материаллари. Дело № 083.
8. Ташқи ишлар вазирлиги жорий архиви материаллари. Дело № 083.
9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида “Маданият, соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим, туризм ва спорт соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида”ги битим/ <https://lex.uz/docs/2565040>
10. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлиги ўртасида имзоланган маданият соҳасида 2013-2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури/ <https://www.lex.uz/docs/2639463>
11. Самиев А.Я. Узбекистан – Казахстан: новый этап культурно-духовного сотрудничества // «Молодой учёный», № 51 (237), декабрь 2018 г.
12. M. Myrzabekov, R. Sadykova, R. Myrzabekova., Contemporary cultural and humanitarian cooperation between the countries of Central Asia // Procedia - Social and Behavioral Sciences, 122 (2014), p.13 – 18.